

**Содиков Зокир Рустамович,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
“Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат  
туризми” кафедраси мудири, иқтисодиёт  
фанлари номзоди, доцент.

# ТАШҚИ САВДОНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

УДК: 339.54

## **СОДИКОВ З.Р. ТАШҚИ САВДОНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ**

Глобаллашув жараёнида миллий иқтисодиётнинг тараққиёти ташқи иқтисодий алоқаларга янада кўпроқ боғлиқ бўлиб бормоқда. Унга шерик мамлакатларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва истеъмол бозорларининг мунтазам равишда юксалиб бораётганлиги таъсир кўрсатмоқда. Мазкур мақолада иқтисодиётимизнинг янада эркинлаштириш жараёнида ташқи савдо ва ундаги шерикларнинг улуши борасидаги муаммоларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, бу муаммоларни бар- тараф қилиш йўллари ва унинг миллий иқтисодиёт учун аҳамияти асослаб берилди.

Таянч иборалар: миллий иқтисодиёт, тараққиёт, глобаллашув, ташқи иқтисодий алоқалар, ишлаб чиқариш салоҳияти, истеъмол бозори, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи савдоси, ташқи савдо шериги, диверсификациялаш, ташқи савдо географияси, бозор иқтисодиёти, экспорт таркиби.

## **СОДИКОВ З.Р. ТЕНДЕНЦИИ И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ВНЕШНЕЙ ТОРГОВЛИ**

Развитие национальной экономики все больше связано с внешнеэкономическими связями. На это влияют неуклонно растущие производственные мощности и потребительские рынки стран-партнеров. В данной статье анализируются особенности внешней торговли и вклад ее партнеров в дальнейшую либерализацию национальной экономики. Также, в ее основе заложено пути устранения этих проблем и их значение для национальной экономики.

Ключевые слова: национальная экономика, развитие, глобализация, внешнеэкономические связи, производственный потенциал, потребительский рынок, либерализация экономики, внешняя торговля, внешнеторговый партнер, диверсификация, география внешней торговли, рыночная экономика, структура экспорта.

## **SODIKOV Z.R. TENDENCIES AND PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE**

In frame of globalization, the development of the national economy depends on foreign economic relations. It is influenced by the increasing production capacity and consumer markets of the partner countries. The article analyses features of foreign trade and share of the trade partners for the further development of national economy. It also describes the ways to solve issues in that field and proves its importance for the national economy.

Keywords: national economy, development, globalization, foreign economic relations, production capacity, consumer market, economy liberalization, foreign trade, foreign trade partner, diversification, foreign trade geography, market economy, export structure

**Кириш.** Замонавий ижтимоий – иқтисодий тараққиёт миллий хўжаликларнинг глобал тизимдан манфаатдор бўлиш ва унинг салбий таъсирларидан муҳофазаланиш учун жаҳондаги ўзгаришларнинг муаммоларидан ҳимояланиш тизимига эга бўлиш талаб этмоқда. Шу боис мамлакатимиз мустақил тараққиёт даврида бозор иқтисодиётини ривожлантиришни ва миллий ишлаб чиқаришни модернизация қилишни устувор вазифа сифатида қабул қилиб, узоқ муддатли стратегик мақсадларга эришиш ва халқаро иқтисодий тизимда мустаҳкам мавқега эга бўлиш учун ташқи иқтисодий алоқаларни ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни муттасил равишда чуқурлаштириб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта Жамғармаси ва Жаҳон Банки сингари халқаро тузилмаларга аъзо бўлиб, ўзининг жаҳондаги муносиб ўрнини эгаллаган бўлса, айти пайтда ҳудудий тузилмалардан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ва Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти кабиларни ташкил этилиши ва фаолиятида фаол иштирок этиб, жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий томондан чуқур кириб боришга ҳаракат қилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг савдо масаласида глобал миқёсда фаолият олиб бораётган “Жаҳон савдо ташкилоти”га аъзо бўлиш учун тайёргарлик кўраётгани ҳам ички, ҳамда ташқи иқтисодий муносабатлар бўйича либерализмни кучайтиришни, протекционизмни чеклашни тақозо қилади. Умуман ташқи савдо айланмаси ва унда экспорт билан импортдаги вазиятлар умумлашган тарзда таҳлил қилиниши билан бир қаторда миллий ташқи савдо айланмаси ва унинг тақсимланишини географик жиҳатдан ҳам тадқиқ қилиш талаб этилади. Чунки ҳар қандай давлатнинг ташқи савдо шериги бўлган мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси ва географик жойлашган минтақаси иқтисодий алоқаларни шакллантиришга ва кучайтиришга замин ҳозирлайди.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Глобаллашув жараёни чуқурлашиб бораётган бугунги кунда мамлакатнинг экспорти ва импортида ёки умуман ташқи савдосида саноқли кам сонли мамлакатларнинг катта улушга эга бўлиши мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, шундай ҳолат келиб чиқса, бу мамлакат экспорти ёки ташқи савдосининг ана шу саноқли мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзгаришларга боғланиб қолишига олиб келади. Шу боис, нафақат экс-

порт ёки умуман ташқи савдо таркибини диверсификация қилиш, балки, бу борада ташқи савдо бўйича шерик бўлган мамлакатлар географиясини кенгайтириш ва хилма - хиллаштириш кўзда тутилган натижаларни қўлга киритишга, миллий хўжаликнинг ташқи бозор салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга ва жаҳон бозоридаги муаммоли ўзгаришларга сезгирлигини сўндиришга, ҳатто уларнинг салбий иллатларидан ҳимояланиш учун муҳофаза қобуғини ҳосил қилишга замин яратади. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида “экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш”<sup>1</sup> белгилаб берилган.

**Муаммонинг қўйилиши.** Ҳозирги кунда ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ўрнатган мамлакатлар сони кўпайиб, миллий ташқи савдоимиз географиясини кенгайтириб бормоқда. Бугунги кунда ташқи савдо бўйича шерикларнинг сони 2000 йилдагига нисбатан 30 дан ортиққа кўпайиб, жами 170 тадан ортиқ мамлакатни ташкил этмоқда. Демак, бундан келиб чиқиб мамлакатимиз экспорт географиясини муттасил кенгайтириб бориши учун имкониятлар ортаётганлигини, ташқи савдо йўналиши бўйича янги миллий ҳудудлар ўзлаштирилиб, географик жиҳатдан чуқурлашув ва такомиллашув босқичига чиқиб бораётганлигини тадқиқ қилиб бориш аҳамиятли вазифалардан ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор қонуниятларини ривожлантириш жараёнида ташқи иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ҳамда уни глобал шарт-шароитларга мувофиқ такомиллаштириш борасида хулоса ва таклифларни билдиришдан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Илмий абстракция, мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги, таҳлил, статистик таҳлил, синтез, таққослаш ва бошқа методлардан фойдаланилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони (2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон): –Т.: Адолат, 2018. 26 - бет.

**Асосий натижалар.** Ташқи савдо миллий иқтисодиёт ривожланишига ресурслар базасини кенгайтириш ва ички бозор чекланганлигига барҳам бериш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнларини интенсифлаштириш ва самарасини ошириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатини мустаҳкамлашга хизмат<sup>1</sup> қилади. Шу боис мамлакатимиз ҳам ўз тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қараб, уни фаоллаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шунинг учун мамлакатимизнинг ташқи савдоси ва унинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш талаб этилади.

Давлатимизнинг жаҳон миқёсидаги ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши ўзига хос манзарага эга бўлиб, умуман, ташқи савдо, хусусан, экспорт ва импорт йўналишлари бўйича Осиё ҳудуди мутлақ етакчилик қилаётган бўлиб, жами ташқи савдонинг 52,3 фоизи ушбу минтақа улушига тўғри келмоқда. Шунингдек, бу минтақанинг савдо алоқалари 2017 йилга нисбатан 40,1 фоизга ўсган бўлиб, у минтақага 2018 йилда экспорт 7167,1 миллион АҚШ долларини, импорт эса 7018,6 миллион АҚШ долларини ташкил этган ва баланс 148,5 миллион АҚШ долларига тенг мусбат қийматга эга. Қитъалар бўйича ташқи савдо ҳажмидаги етакчилик иккинчи ўринда Европанинг улушига тўғри келмоқда ва у жамига нисбатан 38,5 фоиз улушни ташкил этган. Жумладан, бу минтақага 2018 йилда экспорт 5956,8 миллион АҚШ долларига, импорт эса 7056,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ва умуман Европа билан ташқи савдо ҳажми олдинги йилга қараганда 13,4 фоизга ўсган ва баланс 1099,6 миллион АҚШ доллари даражасида манфий натижани қайд қилган<sup>2</sup>.

Бу статистик маълумотлардан Ўзбекистоннинг ташқи савдосида фақат шу иккита қитъанинг улуши 90 фоиздан ортиқ ҳажми ташкил этаётганлиги маълум бўлмоқда. Демак, Ўзбекистон ташқи савдоси қитъалар бўйича етарли даражада диверсификациялашмаган ва асосан Европа билан Осиё қитъалари мутлақ етакчи имкони-

ятга эга бўлиб қолган. Шу боис бу қитъалардаги ҳар қандай иқтисодий муаммоларнинг миллий бозоримизга ва ишлаб чиқаришимизга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли катта эканлигини тахмин қилишга асос бўлади. Бундан ташқари, қолган қитъалар бозорларига ҳали етарли даражада кириб борилмаганлиги ва улардан қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришилмаганлиги маълум бўлмоқда.

Шунинг учун мамлакатимиз ташқи савдосининг қитъалар бўйича диверсификациялаш асосий устувор йўналишлардан эканлиги келиб чиқади. Агар ташқи савдонинг Қитъалар бўйича диверсификациялашга эришилса, келиб чиқиши мумкин бўлган иқтисодий муаммоларнинг олдини олишга шароит яратилган бўлади. Фақат бунинг учун қитъалар даражасида эмас, балки, у қитъалардаги мамлакатлар бўйича диверсификация қилиш талаб этилади.

Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ташқи савдо алоқалари умумий тарзда қитъалар шаклида кўриб чиқилиши билан бир қаторда алоҳида мамлакатлар даражасида вазиятни тадқиқ қилиш масалага янада реалроқ баҳо бериш ва аниқроқ хулоса чиқариш учун муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мазкур жараёни географик жиҳатдан чуқурлаштириб алоҳида миллий иқтисодиётларнинг мамлакат ташқи савдо алоқаларидаги улушини тадқиқ қилишга киришилади. Чунки у мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалигидаги салоҳияти қайси даражадада, Ўзбекистон экспорти ёки импортидаги салмоғи неча фоизни ташкил этади. Зеро бу икки кўрсаткичнинг ўзаро мутаносиблиги қандай кўринишга эга эканлиги, у мамлакатлар ёки умуман ташқи дунё мамлакатлари билан боғлиқ савдо сиёсатини юритиш йўналишларини белгилашда асос бўлади.

Анъанавий тарзда Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари икки гуруҳга ажратилади, улардан биринчи гуруҳга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилмасига аъзо, ўтмишда собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ўтиш босқичидаги мамлакатлар киритилса, иккинчи гуруҳга, узоқ хорижий мамлакатлар тушунчаси билан ифодаланувчи жаҳоннинг МДҲга аъзо бўлмаган барча мамлакатлари кўзда тутилади. Ушбу йўналишлардан бири ҳисобланган МДҲ мамлакатларидан Ўзбекистон билан савдо ҳамкорлиги салмоқли ҳисобланганлари Россия, Қозоғистон, Беларусия, Украина, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқалар, иккинчи гуруҳдаги мамлакатлардан эса етакчилари Хитой Халқ Респуб-

<sup>1</sup> Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: "Ўзбекистон", 2018. – 415 бет.

<sup>2</sup> Stat.uz. "O'zbekiston raqamlarda" статистик тўпламларининг Ташқи иқтисодий фаолият қисми. 2019. УзР Давлат статистика қўмитаси, 3 - 4 бетлардаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Жадвал 1. Ўзбекистон ташқи савдосида етакчи мамлакатларнинг улуши, фоизда<sup>1</sup>

Йиллар	Таркиби	ХХР	Россия	Қозоғистон	Туркия	Жанубий Корея	Жами
2014	Ташқи савдо айланмаси	16,4	21,3	12,7	5,4	7,4	63,2
	Экспорт	15,7	18,8	18,3	7,1	1,2	61,1
	Импорт	17,1	23,7	7,2	3,8	13,4	65,2
2015	Ташқи савдо айланмаси	19,0	17,9	10,8	4,8	7,0	59,5
	Экспорт	19,8	14,5	14,8	6,3	1,4	56,8
	Импорт	18,2	21,2	6,8	3,3	12,6	62,1
2016	Ташқи савдо айланмаси	17,5	17,3	7,8	4,8	4,4	51,8
	Экспорт	16,5	14,8	7,8	5,7	1,7	46,5
	Импорт	18,6	19,7	7,8	4,0	7,2	57,3
2017	Ташқи савдо айланмаси	17,9	17,8	7,7	5,8	5,2	54,4
	Экспорт	16,1	16,1	8,4	7,0	1,1	48,7
	Импорт	19,5	19,3	7,1	4,8	8,9	59,6
2018	Ташқи савдо айланмаси	19,2	17,1	9,0	6,5	6,4	58,2
	Экспорт	20,5	15,7	10,4	6,7	0,6	53,9
	Импорт	18,3	18,2	8,0	6,3	10,5	61,3

каси (ХХР), Туркия, Жанубий Корея Республикаси, Германия, Афғонистон, Латвия, АҚШ, Эрон, Франция, Италия ва бошқалар ҳисобланади.

Мазкур йўналишлар доирасига кирувчи давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ҳарбий-сиёсий қудрати хилма - хил бўлгани учун умумлашган тарзда уларга бир бутун қилиб баҳо бериш ёки таҳлилий хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди, ёхуд мавжуд манзарани батафсил тасаввур қилишга имконият бермайди. Шу боис гуруҳлар ёки йўналишлар тарзида эмас, индивидуал мамлакат шаклида ташқи савдо ҳамкорлигини ўрганиш айти муддао ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон қарийб 2000 турдаги товар ва хизматларни қарийб 170 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилаётган бўлиб, улардан ташқи савдо бўйича асосий шерикларимиз Россия, Қозоғистон, Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Германия, Япония, Афғонистон, Қирғизистон, Украина, Латвия, Беларусия, АҚШ, Тожикистон ва бошқа мамлакатлардан<sup>2</sup> иборат бўлмоқда.

Кейинги йиллардаги ташқи савдо ва унинг йўналиши бўлмиш экспорт билан импортда мамлакатларнинг улушиборасидаги статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, бунда қатор мамлакатларнинг улуши охириги йилларда

ортиб салмоқли даражани ташкил этаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, қуйидаги жадвалда Ўзбекистон ташқи савдосида улуш бўйича биринчи бешталикка кирувчи шерик мамлакатлар келтирилган. Мазкур жадвалда келтирилган маълумотларда мамлакатимизнинг энг йирик савдо шериклари бўлмиш Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Туркия Республикаси ва Жанубий Корея Республикаси каби жаҳонда йирик мавқега эга бўлган бешта давлат ўрин олган. Бу мамлакатларнинг жадвалда келтирилган маълумотга кўра Ўзбекистон жами ташқи савдосидаги улуши 2014 йилда 63,2 фоизни ташкил этган бўлса, экспорт 61,1 фоизга, импорт 65,2 фоизга<sup>3</sup> тенг бўлган.

Ушбу тенденция Республика ташқи савдосида охириги йилларда муттасил давом этиб келаётганлигини кўриш мумкин, жумладан, 2015-2018 йиллардаги статистик маълумотларда ҳам айнан шундай характердаги манзара акс этмоқда. Демак, бешта мамлакат жами ташқи савдонинг бешдан уч қисмини назорат қиларкан, қолган 160 дан ортиқ давлатга бешдан икки қисм улуш тўғри келмоқда. Бунинг ўзига хос муаммолигини алоҳида мамлакатларнинг ташқи савдо ва экспорт билан импортдаги улушининг миқёси ҳам акс эттирмоқда.

Шу мақсадда жадвалда келтирилган маълумотларга биноан Ўзбекистоннинг ташқи савдо-

<sup>1</sup> Stat.uz. "O'zbekiston raqamlarda" статистик тўпламларининг Ташқи иқтисодий фаолият қисми. 2019. ЎзР Давлат статистика қўмитаси, 4 - 7 бетлардаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>2</sup> Stat.uz. "O'zbekiston raqamlarda" статистик тўпламларининг Ташқи иқтисодий фаолият қисми. 2019. ЎзР Давлат статистика қўмитаси, 8 - 9 бетлар.

<sup>3</sup> Stat.uz. "O'zbekiston raqamlarda" статистик тўпламларининг Ташқи иқтисодий фаолият қисми. 2019. ЎзР Давлат статистика қўмитаси, 4 - 7 бетлардаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

сида энг юқори улушга эга бўлган мамлакатлар ичида етакчи бўлган ХХР билан савдо алоқалари ва унинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқишга ҳаракат қилинади. Бу мамлакат ҳозирда жаҳонда фаол юксалиб бораётган миллий иқтисодиёт бўлиб, айни вақтда ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича у АҚШдан кейин дунёда иккинчи ўринда турадиган салоҳиятли бозор ҳисобланади.

Авалло, бу мамлакатнинг ялпи салоҳияти борасида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун умумий иқтисодий вазиятининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтсак, хусусан, 2017 йилдаги ялпи миллий даромади 12043 миллиард АҚШ долларига тенг ва жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган бўлиб, бу борада дунёнинг 15,4 фоизлик улушига<sup>1</sup> тўғри келадиган товар ва хизматларни ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, 2017 йилда бу мамлакат товар экспорти 2263,3 миллиард АҚШ долларини (охирги ўн йилликда жаҳонда мутлақ биринчи ўринда келмоқда) ёки 12,7 фоиз, товар импорти 1841,9 миллиард АҚШ долларини (жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринда) ёки 10,2 фоиз, хизмат экспорти 204,7 миллиард АҚШ долларини ёки 3,9 фоиз ва хизмат импорти 468,4 миллиард АҚШ долларини ёки 9,3 фоизни<sup>2</sup> ташкил этиб, ўзининг халқаро бозордаги мавқеини мутасил равишда мустаҳкамлаб бораётганлигини кўрсатади.

Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг бундай мамлакат билан савдо алоқаларини ўрнатиши ва ривожлантириши зарурий дейиш мумкин. Шунинг учун ҳозирги кунда бу мамлакат билан иқтисодий алоқаларимиз қандай кўринишга эга ва хусусиятлари нималардан иборат эканлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётимиздаги ислоҳот муттасил равишда чуқурлашиб ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига теран сингиб, нафақат барча соҳа ва тармоқларга, балки, барча ҳудудларга ҳам самарали таъсирини кўрсатмоқда. Бу жараён ташқи савдо алоқаларида ҳам акс этиб, унинг жадал ривожланишига ва мамлакатлар билан алоқаларнинг фаоллашувига туртки бўлмоқда. Шундай мамлакатлардан бири ХХР бўлиб, у билан Ўзбекистон дипломатик муносабатларини

истиқлолнинг дастлабки онларида, яъни 1992 йилда ўрнатган ва шундан бери изчил равишда барча масалалардаги ҳамкорликни, хусусан, савдо – иқтисодий алоқаларни узлуксиз равишда ривожлантириш устуворлигини сақлаб қолмоқда. Айнан мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон ташқи савдо алоқаларида энг катта улушга эга бўлиши ҳам Давлатларимиз ўртасидаги жараённинг кўламини ва моҳиятини, қолаверса, яратилган шарт – шароитларни яққол тасаввур қилишга имконият таъминлаб беради.

Ҳар икки мамлакатнинг ҳам юритаётган ижтимоий – иқтисодий сиёсатлари ва эришаётган ютуқлари жаҳон ҳамжамиятида намоён бўлгани сингари ўзаро муносабатларда ҳам очиқ – ёриқ акс этмоқда. Жумладан, ХХР билан савдонинг ҳажмини аниқ статистик маълумотлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йилда бу мамлакатнинг ташқи савдомиздаги улуши 16,4 фоизни ёки 4520,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган ва унинг 2123,6 миллион АҚШ доллари экспорт, қолган 2396,8 миллион АҚШ доллари импортдан иборат бўлиб, савдо балансида 273,1 миллион АҚШ доллари даражасида манфий натижа қайд қилинган. Ўзбекистоннинг ХХР билан савдоси ҳозирги кунгача давом этмоқда ва 2016 йил истисно қолган йилларда ошиб бориш тенденциясига эга. Хусусан, бу мамлакат билан ўзаро савдо айланмаси 2015 йилда 4730,4 миллион АҚШ доллари, 2017 йилда 4754,2 миллион АҚШ доллари ва ниҳоят 2018 йилда 2015 йилга нисбатан 36 фоизга, олдинги йилга нисбатан 35 фоизга ўсиб 6426,9 миллион АҚШ долларини<sup>3</sup> ташкил этган.

Умумий жараён сифатида икки мамлакат савдосининг ҳажми кенгайиб бормоқда ва бу хусусият экспорт билан импортга ҳам хос ҳисобланади. Фақат 2015 йилни ҳисобга олмганда Ўзбекистоннинг бу мамлакатга экспортининг ҳажми кам, импортининг ҳажми эса кўп ва натижада мамлакатимиз учун доимо манфий баланс қайд қилинмоқда. Қолаверса, манфий савдо баланси 2016 йилда 255,0 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилда янада ортиб 688,9 миллион АҚШ долларига етган ёки 2016 йилга нисбатан 2,7 бараварга ўсган. Демак, бу таҳлиллардан, ХХРнинг мамлакатимиз ташқи савдосидаги улуши кескин даражада ортган-

<sup>1</sup> www.worldbank.org "World Development Indicators" маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>2</sup> www.worldbank.org "World Development Indicators" маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>3</sup> Stat.uz. "O'zbekiston raqamlarda" статистик тўпламларининг Ташқи иқтисодий фаолият қисми. 2019. УзР Давлат статистика қўмитаси, 4 - 7 бетлардаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

лиги ёки у мамлакатдаги ҳар қандай ижтимоий – иқтисодий тенденцияни таъсирини сезадиган ҳажмга чиқиб кетганлигини айтиш мумкин.

Хусусан, бу мамлакат билан савдо ҳажми 2014 йилда 4520,4 миллион АҚШ долларини, экспорт 2123,6 миллион АҚШ долларини ва импорт 2396,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, унинг Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси, экспорти ва импортидаги нисбати мос равишда (ташқи савдо айланмаси) 16,4 фоиз, (экспорт) 15,7 фоиз, (импорт) 17,1 фоизга<sup>1</sup> тенг бўлганлиги кўламни тасаввур қилиш учун етарли ҳисобланади ва ташқи савдо бўйича шериклар таркибини кенгайтириш зарурлигини кўрсатади. Чунки ушбу жараённинг изчил чуқурлашиб бораётганлигини кейинги даврдаги статистик ахборотлар ҳам тасдиқлайди, жумладан, 2017 йилда ХХР билан савдонинг ҳажми 4754,2 миллион АҚШ долларини, экспорт 2025,5 миллион АҚШ долларини ва импорт 2728,7 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, унинг Ўзбекистон жами ташқи савдо-сидаги салмоғи мос равишда (ташқи савдо айланмаси) 17,9 фоиз, экспорт - 16,1 фоиз ва импорт - 19,5 фоизга тенг бўлган ва бу кўрсаткич 2018 йилга келиб янада ортганлигини кўриш мумкин. Жумладан, мос равишда (ташқи савдо айланмаси) 19,2 фоиз, экспорт - 20,5 фоиз ва импорт - 18,3 фоизни<sup>2</sup> ташкил этганлиги тенденцияни яққол тасаввур қилишга асос бўлади.

Умуман, мамлакатимизнинг ташқи савдоси самарали олиб борилаётган ижтимоий – иқтисодий ислохотлар ва хорижий бозорларга чиқишни қулайлаштириш мақсадида қилинаётган тадбирлар ҳисобига ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Шунга мутаносиб тарзда хорижий мамлакатлар билан савдо алоқалари фаоллашмоқда.

Асли бу натижа кўзда тутилган мақсадларга мос келади ва қисқа муддатда ютуқларга замин яратади. Унда масаланинг муаммоси қаерда деган савол туғулади. Бу саволнинг жавоби шундай, аввало, бир мамлакатга ташқи савдо ва унинг йўналишлари бўйича 15-20 фоиз атрофида боғланиб қолиш муаммонинг туб илдизи

<sup>1</sup> Stat.uz. "O'zbekiston raqamlarda" statistik tўplamlarining Tashqi iqtisodiy faoliyat qisimi. 2019. UzR Davlat statistika kўmitasi, 4 - 7 betlarдаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>2</sup> Stat.uz. "O'zbekiston raqamlarda" statistik tўplamlarining Tashqi iqtisodiy faoliyat qisimi. 2019. UzR Davlat statistika kўmitasi, 4 - 7 betlarдаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ҳисобланади. Чунки кутилмаганда бу мамлакат ижтимоий – иқтисодий тизимида, ишлаб чиқаришида, ташқи савдосида ёки бошқа иқтисодий соҳаларда инқироз ёҳут бошқа шу сингари ноқулай вазият келиб чиққанда у мамлакатда нима бўлишини тасаввур қилиш ўта мушкул ва унчалик зарур ҳам эмас. Фақат, айтиш мумкинки, ундаги салбий ҳолатлар у билан иқтисодий алоқалари кучли бўлган мамлакатларнинг биринчи галда, ташқи савдосига, кейин истеъмол ва ишлаб чиқаришига ўзаро боғлиқ бўлган катта миқёсдаги занжирсимон салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли юқори ҳисобланади. Зеро глобаллашув шиддат билан авж олиб чуқурлашиб бораётган ва йирик мамлакатлар ўртасидаги рақобат кўплаб соҳаларда теран ҳамда мураккаб илдиз отиб кетган вазиятда у давлатларнинг бир – бирига турли – туман муносабатлари жаҳон ҳамжамияти, ҳатто, ҳамкор давлатлар учун фавқулотда кутилмаган муаммони келтириб чиқармайди деб ишониш жуда қийин вазият ҳисобланади.

Айнан бундай кутилмаган вазият ёки муаммо ҳар қандай мамлакатда кузатилиши мумкин. Шунинг учун асосий эътибор ташқи савдо бўйича шерик бўлган мамлакатнинг улушига қаратилиши лозим ва ташқи савдода шерикларни кўпайтириб уларнинг нисбий салмоғини камайтиришга ҳаракат қилиш керак, яъни шериклар билан савдо ҳажмини қисқартиришга эмас. Шунда ташқи савдо шериклари бўйича мамлакатлар рискинни камайтиришга ва уни тақсимлашга эришилади.

Қолаверса, ҳар қандай мамлакат, хусусан, йирик мамлакатларнинг ўзининг муаммосини бошқа миллий иқтисодиётларга экспорт ёки трансферт қилиб юбормаслигига ишониш учун тарихдан намуна топиш имкониятиўта мушкул бўлса, керак. Айниқса, ҳозирги кунда жаҳондаги етакчи мамлакатлар бўлмиш АҚШ билан ХХР ўртасида узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган савдо борасидаги зиддият нафақат, бу икки давлатга, улар билан ҳамкорлик қиладиган барча мамлакатларга, умуман халқаро ҳамжамиятга салбий таъсир қилиши эҳтимоли катта ҳисобланади.

Бунга тажриба сифатида жаҳон нефт бозорида кузатилган конъюнктурани кўриш мумкин. Унда нефт экспорт қилувчи ва у маҳсулотга жуда боғланиб қолган мамлакатлар иқтисодиётига мазкур вазият қандай даражада салбий таъсир қилганлигини ва муаммонинг кўламини намуна тариқасида келтириш мумкин. Худди шундай алоҳида товарга ёки хомашёга нисбатан эмас,

балки, муайян мамлакатга нисбатан халқаро миқёсда салбий вазият ёки муносабат содир бўлса, у мамлакатга савдо алоқалари бўйича катта даражада боғланиб қолган давлатлар иқтисодиёти учун жиддий муаммолар келиб чиқиши мумкин. Демак, шундай вазиятдашу ва шунга ўхшаш муаммоларни бартараф қилишдақандай йўл тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Алоҳида мамлакатларнинг ташқи савдода катта салмоққа эга бўлиши асосан ривожланаётган ва ташқи савдоси чекланган давлатларда кузатилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб, айтганда мамлакатимиз ташқи савдосининг ҳажмини ошириш ва таркибини диверсификация қилиш билан бир қаторда географик жиҳатдан ҳам диверсификация қилиш талаб этилади. Юқорида келтирилган вазиятнинг юзага чиқишида экспорт салоҳияти даражасида ривожланмаганлиги ва дипломатик алоқалар ўрнатилган 170 дан ортиқ мамлакатларнинг фақат айримлари билан савдо муносабатлари кучайтирилганлиги, қолганлари билан зарур даражада ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги, шунингдек, экспорт таркиби имконият даражасида диверсификация бўлмаганлиги сабабдир.

Шу боис экспорт таркибини, ҳажмини ва географиясини миллий иқтисодиётимиз салоҳияти ва қудратини кучайтирадиган йўналишда узоқ муддатга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Демак, айрим мамла-

катларнинг ташқи савдодаги етакчилик таъсирини сўндириш ва кутилмаган ижтимоий – иқтисодий муаммоларни олдини олиш учун у давлат билан савдо алоқаларини қисқартириш керак эмас, балки, умумий ташқи савдонинг ҳажмини янада кенгайтириш ва бошқа давлатлар билан савдо шерикликни салоҳият даражасида ривожлантириш рационал ёндашув тарзи ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур йўналишда фаолият олиб борилаётганда миллий ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва инновацион иқтисодиётни ривожлантириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқликда олиб бориш ҳамда импортни мувофиқлаштириш талаб этилади. Зеро миллий иқтисодиётнинг тараққиёти унинг барча тармоқ ва соҳалари ҳамда ҳудудлари яхлит тарзда ва яқдил мақсад учун уйғунликда фаолият олиб боришини тақозо қилади. Шунинг учун модернизация қилинаётган соҳалар ва тармоқлар айти пайтда экспорт таркибини диверсификациялашга, ҳажмини оширишга ва географиясини кенгайтиришга хизмат қилиши лозим.

Қолаверса, импорт таркибида технологик характердаги товарлар салмоғини имкон қадар ошириш ва ундан ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали экспорт таркибини диверсификация қилиш, ҳажмини ошириш ва географиясини кенгайтириш мақсадида фойдаланиш самарали натижаларга асос бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони (2017 йил 7 феврал, ПФ-4947-сон): –Т.: Адолат, 2018. –112 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 64 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Т.: «Ўзбекистон», 2017. - 488 б.
5. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хаджибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: Дарслик. – Т.: Бактрия, 2015. – 584 б.
6. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 488 б.
7. Stat.uz. “O‘zbekiston raqamlarda” Йиллик статистик тўпلام. –Т.: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси, 2019.
8. www.worldbank.org.